Проведенный анализ значительного пласта разнохарактерной литературы позволил вариативно подойти к ее анализу. В частности, отложившийся пласт материала можно рассмотреть как с точки зрения проблемного подхода, так и видового разнообразия историографического

материала.

Анализ исторической литературы позволил выделить несколько сложившихся дискурсов в изучении истории медицины в среднеазиатском обществе в IX-XII вв.:

История медицины в исторической ретроспективе.

Жизнь и деятельность видных ученых энциклопедистов-врачей IX-XII вв.

Гигиена и благоустройство в средневековых городах Средней Азии.

Среднеазиатская медицинская посуда и ее использование.

Проблема – «История медицины в исторической ретроспективе» в значительной степени разрабатывалась исследователями-медиками, что нашло отражение в ряде учебных пособий по истории медицины. Стоит отметить, что именно период IX-XII вв. получает наиболее детальное и углубленное освещение в учебной литературе [1]. В частности, в учебном пособии под авторством профессора, д.м.н. А.А. Кадырова периоду мусульманского Ренессанса уделено серьезное внимание (50 страниц текста! Ни одному другому периоду – древнему, периоду Темура и Темуридов, узбекских ханств не уделяется столько внимания) [2, с. 42-97]. Автором приводятся ценные сведения о среднеазиатских врачах, способах врачевания в период средних веков, использованные лекарственные растения, медицинские инструменты, написанные ими труды. Но в значительной степени большое внимание уделено величайшему врачу Абу Али ибн Сино, созданным им трудам и их вкладу в мировую медицину. Остановившись на работе А.А. Кадырова можно отметить, что в ней реконструирована история среднеазиатской медицины при Арабском халифате, в государстве Хорезмшахов, Саманидов, Караханидов. Таким образом, прослежено наращивание медицинских знаний, опыта – все то, что свидетельствовало об уникальном явлении сложения среднеазиатской школы медицины.

Довольно разработанным является *дискурс о жизни и деятельности видных ученых энциклопедистов-врачей IX-XII вв.* [3]. Как показывает анализ литературы, изучение их творчества и пик исследовательской активности приходится на 50-70-е годы XX века. Круг изучае-

мых персоналий ученых ограничивался Авиценной, Беруни, Хорезмий, Абу Бакр Рази. До сего времени наиболее разработанной является фигура Абу Али ибн Сино и его медицинское наследие, а также роль в развитии различных направлений мировой медицины.

Однозначно можно говорить, что в XX веке сложились свои отдельные школы «авиценоведения» и «бируниведения». В то же время, как показывает представленный список литературы, это стало возможным благодаря совместным усилиям и активной переводческой и изыскательной деятельности востоковедов, историков, филологов.

Особо стоит отметить, что активная изыскательная и переводческая деятельность отечественных востоковедов позволила ввести в науку новые медицинские произведения и новые имена врачей. Большую роль в сложении историографии вопроса, а также в популяризации имен видных представителей средневековой медицины сыграли ученые-востоковеды Института востоковедения АН Узбекистана, приступившие к переводу и опубликованию огромного пласта рукописного наследия именитых средневековых врачей [4].

С середины 60-х гг. XX века начинают разрабатываться еще два направления в истории медицины в Средней Азии – «Гигиена и благоустройство в средневековых городах Средней Азии» [5] и «Среднеазиатская медицинская посуда и ее использование» [6]. Сложение данных направлений исследований стало возможным благодаря достижениям археологической науки XX в.

История изучения средневековых городов приходится на эпоху советского востоковедения, когда были достигнуты существенные достижения в изучении, описании и каталогизировании рукописных источников. Кроме того, значительный материал был получен в ходе археологического изучения территории Средней Азии. Таким образом, были созданы объективные предпосылки для всестороннего исследования и изучения истории средневековых городов Средней Азии периода IX–XII вв., в том числе и их внутренней жизни: «постройки разнообразны по назначению: жилища и ма-

стерские ремесленников, дворцы, административные и торговые здания, бани, мечети, минареты, мавзолеи, медресе» [7, с. 199].

Высокий уровень городской культуры этого периода исследователь В.Л.Воронина «видела» в деятельности такого важного учреждения средневекового города «*мусульманской цивилизации*» как *бимаристаны* (лечебницы). Исследователь отмечала, что до последнего времени бимаристаны на территории Средней Азии не упоминались, но они строились там и свидетельством тому является приводимый автором вакуфный документ о самаркандском бимаристане, основанном в 1065–1066 гг. караханидом Тамгач-ханом [5. Воронина, с. 98].

Кроме того, с началом 60-х гг. XX в. в отечественной археологии усиливаются исследования, связанные с изучением средневекового стекла, что было связано со значительными его находками в различных регионах Средней Азии и Узбекистана. Авторы изучали и описывали не только форму стеклянной посуды, приводили ее химический состав, определяя из какого сырья оно сделано, но и большое внимание уделяли медицинской посуде. Находки медицинской посуды свидетельствовали о высоком уровне не только материала, но и позволяли говорить о высоком уровне развития среднеазиатской медицины в IX–XII вв.

Проведенный анализ исторической литературы по данной проблеме позволяет говорить, что оформление историографии вопроса приходится на середину XX в. и было ознаменовано активным изучением биографии врачей, видных представителей мусульманского Ренессанса, опубликованием и переводом их трудов с фарси и арабского на узбекский и русский языки, а также значительными археологическими находками середины XX века.

Сложившиеся дискурсы по истории среднеазиатской средневековой медицины позволяют определить и перспективные направления в этом направлении, выводя на уровень антропологических исследований как «социальный статус врача в средневековом обществе», «взаимоотношения врачей и власти в средневековом обществе», «сложение медицинских средневековых школ и передача опыта» и др.

ЛИТЕРАТУРА

1. Илхомжонова Д.Х. История развития медицины в Узбекистане. – Ташкент: Fan va texnologiya, 2019. 52 с.; Она же. История развития медицины в Узбекистане. – Ташкент, 2020. 52 с.
2. Кадыров А.А. История медицины Узбекистана. – Ташкент: Изд-во им. Ибн Сины, 1994. 232 с. и др.
3. Джумаев В.К. Хирургия Абу Али ибн Сины и ее исторические истоки (Материалы к истории хирургии). – Ташкент: Медицина, 1965. 217 с.; Кадыров А.А. Абу Бакр Рази. – Ташкент: Медгиз УзССР, 1963. 36 с.; Кадыров А.А., Саипов У.Т. Великие ученые-медики средневековья. – Ташкент: Медицина, 1988. 44 с.; Пицхелаури Г.З. Ибн ал-Хайтам (965–1039) / Сов. здравоохранение. 1973. № 5. С. 84–87; Райнов Т.И. Великие ученые Узбекистана. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1943. 67 с.; Абдуллаев А.А. Джафар Ходжа б. Насреддин Ал-Хусайни ал-Каравакки Хазарасп // Мед. журнал Узбекистана. 1969. № 11. С. 87–90; Арендс А. Восточные предшественники Ибн Сины, значение их трудов для изучения Канона врачебной науки // Первая всесоюзная конференция востоковедов. – Ташкент, 1957; Арзуметов Ю.С. Медицинские взгляды Ибн Сины по материалам Канона врачебной науки. Диссер-

тация. – Ташкент, 1964; Григорян С.Н. Великие мыслители Средней Азии – М., 1958; Каримов У.И. Классификация наук по Ибн Сине. – Ташкент, 1957; Салье М.А. Великий хорезмийский ученый Абу Райхон Беруни (973-1048) // Звезда Востока. 1950. С. 65-71; Семенов А.А. Беруни – выдающийся ученый средневековья. – Ташкент, 1950; Он же. Абу Али ибн Сина (Авиценна). Сталинабад, 1953; Терновский В.Н. Авиценна и его великое творение Канон врачебной науки // Архив анатомии, гистологии и эмбриологии. Вып. 5. 1952. С. 3-6; Хикматуллаев Х. Ёкут Хамавий. – Ташкент, 1965; Якубовский А.Ю. Время Авиценны // Известия АН СССР. Отд. общ. наук. 1938. С. 93-108; Махмудов А. О структурных основах древних медицинских систем и пульсодиагностика Авиценны. – Ташкент, 1997. 25 с. и др.

4. Абу Али ибн Сина. Канон врачебной науки. 2-е изд. – Ташкент: Фан, 1981, кн. I; 1982, кн. II, 1979, кн. III; т. I, 1980; кн. III, т. II; 1980, кн. IV, 1980, кн. V; Абу Али ибн Сина. Трактат по гигиене (Устранение всякого вреда от человеческих тел путем исправления различных ошибок в режиме) (Пер. с арабского З. Бабаханова). –110 с.; Абуль Касим аз Захравий (Трактат о хирургии и инструментах). (Пер. с арабского З.М. Буниятова). – М.: Наука, 1983. 248 с. и др. Многие рукописи медицинского содержания публиковались отдельными томами.

5. Анарбаев А.А., Ахраров И.А. Бани средневекового Ахсикента // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 25. – Ташкент: Фан, 1991. С. 173-183; Мухаммаджанов А.Р. К вопросу о водоснабжении Афрасиаба // Афрасиаб. –

Ташкент: Фан. Вып. I. 1969. С. 294-300; Мухаммаджанов А. Пойкент дорихонаси (Пойкентская аптека) // Фан ва турмуш. 1986. № 3. С. 20-21; Кабанов С.К., Филанович М., Урманова М.Х. Раскопки части жилого массива 9-11 вв. // Афрасиаб. – Ташкент, 1974. Вып. 3. С. 63-68; Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Т.1. 1963; Лавров В.А. Градостроительная культура Средней Азии. – Москва: Государственное издательство архитектуры и градостроительства, 1950. 179 с.; Воронина В.Л. Проблемы раннесредневекового города Средней Азии: (По данным археологии): Автореферат дис. на соискание ученой степени доктора исторических наук. – Москва, 1961. 31 с. и др.

6. Аманджанова М. Средневековое стекло Мавераннахра: дисс.... канд. ист. наук. – Ташкент, 1962. 331 с.; Абдуразаков А.А., Безбородов М.А., Заднепровский Ю.А. Стеклоделие в Средней Азии в древности и средневековье. – Ташкент: АН УССР, 1963. 246 с.; Абдуразаков А. Химические типы древних и средневековых стекол Средней Азии // ИМКУ. Вып. 18. – Ташкент, 1983. С. 224-232; Абдуллаев К. Стекланные изделия 9-12 вв. из Бухары // ИМКУ. Вып. 16. – Ташкент, 1981. С. 52-57; Папахристу О., Ахраров И. Стекло из раскопа в арке домонгольского городища Ахсикент // ИМКУ. Вып. 16. – Ташкент, 1981. С. 88-95; Алмазова Н. Стекло Кумышкента // ИМКУ. Вып. 28. – Самарканд, 1997. С. 183-188 и др.

7. Всеобщая история архитектуры в 12 томах. Том 8. Архитектура стран Средиземноморья, Африки и Азии. VI-XIX вв. – Москва, 1969.

IX-XII asrlarda O'rta Osiyo jamiyatida tibbiyot va gigiena (XX - XXI asr boshi Vatan tarixshunosligi tahlili) **Пуговкина О.Г.**

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Milliy arxeologiya markazi, Toshkent

XX asr tarixnavisligi tahliliga asoslangan ushbu maqolada IX-XII asrlarda O'rta Osiyo tibbiyoti tarixi masalalari rivoji bilan bog'liq tarixiy bilimlarning to'planishi jarayoni ko'rsatilgan. Tadqiqot shuni ko'rsatdiki, ushbu masala tarixi Vatan tarixshunosligida eng rivojlangan "tibbiyot tarixi", "allomalarning hayoti va faoliyati", "tibbiy asbob-uskunalar tarixi" kabi bir nechta jihatlarda o'z aksini topgan.

Медицина и гигиена в среднеазиатском обществе IX-XII вв. (анализ отечественной историографии XX в.) **Пуговкина О.Г.**

Национальный центр археологии Академии наук Республики Узбекистан, Ташкент

В статье на основе анализа историографии XX вв. представлена картина наращивания исторического материала, связанного с разработкой вопросов истории медицины в Средней Азии в 9-12 вв. Как показало проведенное исследование, история вопроса получила отражение в нескольких дискурсах, наиболее разработанных в отечественной историографии как "история медицины", "жизнь и деятельность великих людей", "история медицинской посуды и инструментария".

Medicine and hygiene in Central Asian society in the 9th - 12th centuries (The analysis of national historiography of the 20th century) **Pugovkina O.G.**

National Center of Archaeology of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Tashkent

This article, basing on the analysis of the historiography of the 20th century, there have been presented the growth of historical material related to the development of issues linking with medicine history in Central Asia in the 9th - 12th centuries. As undertaken research showed, the history of this theme was reflected in several discourses, the most developed in national historiography, like "the history of medicine", "the life and activity of great people", "the history of medical utensils and instruments".

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ САНЪАТИНИНГ XX АСРНИНГ 30 ЙИЛЛАРИДАГИ АҲВОЛИ**Назарова С.***Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос илмий-тадқиқот институти,
Тошкент шаҳри*

XX асрнинг 20-30 йилларидаги ўзбек сахна санъати ижтимоий-сиёсий жараёнларидаги рўй берган ўзгаришлар, совет ҳукумати Туркистонда, кейинчалик Ўзбекистон ССРда олиб борган мафкуравий сиёсатининг санъат асарларида акс этиши, улардан тарғибот курали сифатида фойдаланилгани билан ифодаланади.

1920 йилларнинг бошларида маданият, жумладан санъат соҳасида бироз эркинлик кузатилган бўлса, 1920-йилларнинг иккинчи ярмидан вазият ўзгариб борди. Айниқса РКП (б) Марказий Қўмитасининг 1925 йил 18 июн қароридан кейин “пролетар маданияти”, “пролетар адабиётининг гегемонлиги” учун кураш қизгин тус олди. Бунинг оқибатида ижод соҳасидаги ҳар қандай эркинлик қолипга солинди. “Мафкураларга қарши кураш”, “Ёт мафкураларга қарши кураш” шиори остида маданият ва санъатдаги ҳар бир мустақил куч, истеъдод эгаси шафқатсиз тазйик остига олина бошлади [1].

Бу ҳолатни ўзбек давлат мусиқали театри номи 1930 йилларга келиб тез-тез ўзгариб турганлигида кўриш мумкин. Масалан, 1933 йили Ўзбек давлат мусиқали театри рус опера ва балет театри билан қўшиб юборилиб, Свердлов номидаги бирлашган театр номини олди [2]. Жамоа бу даврда рус театри билан бир бинода ижод этиб, унинг маъмурий, хўжалик, молиявий, бадий раҳбарлиги битта бўлган. Ўзбек ва рус театрлари бир бинода ижод қилиб фаолият юритган бўлсалар ҳам, лекин сахна асарларининг намоиш этилиши бир хилда бўлмаган. Масалан, 1936 йилнинг январ ойи репертуарида жами 43 та сахна асари намоиш этилган бўлса, шундан 29 таси рус театрига, 14 таси Ўзбек давлат мусиқали театрига тўғри келади [3]. Буни ўзбек тилида қўйиладиган спектаклларга талаб юқори бўлишига қарамай, асосий эътибор рус тилида қўйиладиган сахна асарларига қаратилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Шу йили Свердлов номидаги бирлашган театрни иккига, рус ва ўзбек театрига бўлиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шундан эътиборан Ўзбек давлат мусиқали театри Акмал Икромов номи билан юритилиб, мустақил жамоа сифатида фаолият юритди [4]. Бироқ бирлашган театр иккига бўлингандан кейин – 1936 йил июн ойидан то йил охиригача бўлган бюджет тақсмотида рақамларнинг бир-биридан кескин фарқини кўриш мумкин. Масалан, тақсмотда ўзбек театрига 616.500 рубл берилган бўлса, рус

театр учун 1.149.700 рубл ажратилган [5]. Мазкур рақамлар рус театри ўзбек театрига нисбатан кўпроқ эътиборда бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Натижада мазкур икки театр ўртасидаги тарқоқлик 1937 йилга қадар давом этиб келди. Рус опера ва балет театри спектаклларига биронта ҳам ўзбек томошабини ташриф буюрмаган, ҳатто мусиқали театرنинг актёрлари спектакл ва репетицияларга қатнашмаганлар. Ўз навбатида, бу ҳолат ўзбек сахнасида ҳам такрорланганлиги архив маълумотларида ўз аксини тошган. Шунингдек, манбада ушбу икки театр бир-биридан қандайдир девор – тўсиқ билан ажратилганлиги ҳамда бу ҳолат санъаткорлар, томошабинлар ва санъат ишлари бошқармаси томонидан ишлаб чиқилмаганлиги келтирилган [6].

1937 йилда Ўзбек давлат мусиқа театридан Акмал Икромов номи олиб ташланади. 1939 йилда Ўзбек давлат мусиқали театрига Ўзбек давлат опера ва балет театри мақоми берилди. Театр жамоасининг бир қисми эса шу йили ташкил тошган Муқимий номидаги мусиқали театр таркибига киритилди. Юқорида келтирилган маълумотлар шуни тасдиқлайдики, ўзбек мусиқали театри босқичма-босқич ривожлана бориб, опера ва балет театри даражасигача кўтарилди.

Бу йилларда ўзбек рақс санъатида ажралмас ўринга эга бўлган мусиқа асбоби – доирага қарши ҳаракат ҳам бўлганлигини қайд этиб ўтиш жоиз. Маориф халқ комиссарлигидаги айрим раҳбарлар доирани “шомонлик” асбоби ва уни йўқотиш керак деб, унга қарши “кураш” олиб борганлар. Лекин санъат усталари Уста Олим Комилов ва Тамарахоним 1930 йил Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ ижодий олимпиадасида фақат доирада ижро этиладиган “Гул ўйин” ва “Садр” рақсини намоиш этганлар. Ушбу рақсларнинг ижросидаги ютуқлардан сўнг доира мусиқа асбоби “яшаб қолиш ҳуқуқини” сақлаб қолган [7].

Ўзбек сахна ва мусиқа маданияти ривожига ўз ҳиссасини қўшган Ғулом Зафарий 1932 йили қамокқа олиниб, Сибирга сургун қилиниши муносабати билан матбуотда “Ҳалима” спектаклини сахнадан олиб ташлаш лозимлиги ҳақида мақолалар чиқа бошлади. Акмал Икромов бундай чиқишларга жавобан ЎзКП(б) Марказий Комитетининг 1932 йил 13 июлда бўлиб ўтган V пленумида бундай деган эди: “Ҳалима”, “Фарҳод ва Ширин” каби

асарларни сахналаштириш мумкин эмаслиги ҳақидаги гапларни тез-тез эшитиш мумкин. Бундай гапларни қатъий қоралаш лозим. “Ҳалима”нинг ўрнига бошқа “бундан кўра баркамол” асарни яратмай туриб, уни сахнадан олиб ташлаш мумкин эмас” [8]. Асар 1933 йили қайта ишланиб, намойиш этилади. Бироқ, А.Икромов халқ душмани деб эълон қилинганидан сўнг пьеса репертуардан олиб ташланади [9].

1933 йили В.Ян ва А. Чўлпоннинг комедия жанридаги “Хужум” номли асари сахналаштирилди. У фақатгина бир марта – 1933 йилнинг 14 феввалида намойиш этилган. Унда ўша давр учун муҳим мавзу – аёлларни озодликка чиқариш ҳаракати кўрсатилса-да, репертуардан олиб ташланади. Бунга сабаб этиб совет кишиларини тасвирлашда режиссёрнинг “формал ёндашган”лиги кўрсатилган [10]. Аслида эса бу асар муаллифларидан бири – А.Чўлпоннинг тазйикқа учраши билан боғлиқ эди.

Ўзбек сахна санъати ижодкорлари фақат ҳукумат йўл-йўриқлари остида хизмат қилишга йўналтирилганлигини архив ҳужжатлари ҳам тасдиқлайди. Масалан, сахна ходимлари тўй ва бошқа маросимларда, хаттоки маълум бир муассаларнинг тақлифига кўра чиқиш қилишлари махсус буйруқ билан тақиқланган. Ушбу буйруққа бўйсунмаганларга нисбатан маъмурий жавобгарлик кўриш назарда тутилган [11].

1934 йилда Ҳамза театрининг 15 йиллиги муносабати билан Умаржон Исмоиловнинг “Пахта шунғиялари” асари намойиш этилади. Лекин ушбу асар театр танқидчилари томонидан қаттиқ эътирозга сабаб бўлади. Асар Ўрта Осиё бюроси ВКП МҚнинг сентябр пленумидаги Бауманнинг нутқида кескин танқидга учрайди: “Пахта монокультурасининг тарғиботи сўнгги вақтга қадар кенг оммалашган эди. Мисол тариқасида У.Исмоиловнинг “Коммунист” пьесасини олсак, асарнинг маълум томонлари умуман партия йўналишига оид эмас”. МҚ Ўрта Осиё бюросига чақирилган У.Исмоилов ўз навбатида асар ғояси Боту [12] томонидан берилганини таъкидлаган [13]. Театр сахнаси йиллар давомида халқ душманининг ғояларини тарғиб қилган деб танқид қилиниб, асар репертуардан олинган ва муаллифга қайта ишлаш учун берилган. Шунингдек, бундай ишлар қаторига Комил Яшиннинг “Ёндирамиз” (колхозлардаги синфий кураш масаласи), Фатхулиннинг “Ниқоб йиртилди” (МХК аппаратидаги маҳаллий миллатчиларни фош қилувчи) асарларини киритиш мумкин.

1937 йил воқеалари ўзбек санъати вакиллари ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Хусусан, Андижон театрининг тўрт нафар ижодкори – театр директори Расулжон

Раҳимий, бадий раҳбар Исҳоқ қори Каримов, режиссёр Расулжон Султонов, актёр ва жамоа касба уюшмасининг раиси Салоҳ Сайфийлар тақдирида бунга кўриш мумкин. Театр ўша кунларда пароканда бўлган жойини эслатган. Ойлар, йиллар мобайнида юзма-юз рол ўйнаган, бир-бири билан қариндош, оғанидек ишлаётган актёрлар ўзаро шивирлашиб гаплашишар, шунда ҳам асосий гапни четлаб ўтишар эди. Театр доимо кузатув остида бўлган. Бу воқеа 1937 йил июл ойида, Абдулхамид Чўлпон қораланиб, қамоққа олингандан кейин бошланган. “Чўлпон билан алоқада бўлган кишилар қўлга олинармиш” деган миш-миш тарқалиб, жамоа ваҳимага тушган эди. “Пахта fronti” газетасининг 1937 йил 14 октябр сониди “Ниқобланган шоир” деган мақола нашр этилади. Унда шундай жумлалар келтириб ўтилган эди: “Карим Аҳмадий давлат театрига адабий раҳбар бўлиб ўтди. Лекин у ердаги Расулжон Раҳимий, Исҳоқ қори Каримов, Расул Султонов ва бошқа халқ душманлари билан биргалашиб олиб, театрни вайрон қилиш, соғлом санъат ходимларини маиший томондан бузиш каби энг қабиҳ ҳаракатларни олиб борди. Карим пантуркист Исҳоқ қорини, Раҳимий ва Султоновларнинг аксилинқилобий сирларини билиб туриб, ўзи ҳам шерик бўлгани учун яшириб келди... Карим Аҳмадий Чўлпон ёрдамида Андижон ёзувчилар уюшмасига масъул котиб бўлиб, у билан ҳамшиша алоқада бўлди...” [14]. Шунини таъкидлаш жоизки, Исҳоқ қори 1924-1927 йилларда Москвадаги ўзбек драма студиясида таълим олган талабалардан бири ҳисобланади.

1937 йилнинг 14 августида Фарғона театрида “Лайли ва Мажнун” спектаклининг премьераси бўлиб ўтади. “Коммуна” газетаси спектаклга “жуда катта чидам билан ишланган” деб юқори баҳо беради. Худди шу даврда “Душман қидириш” сиёсати авж олган эди. Шу газетада яна спектакл ҳақида мақола чоп этилади, бунга эса спектаклдаги Каъба сахнаси туртки бўлган. Режиссёр газетада тушунтириш бериб, ўша сахнани олиб ташлашга мажбур бўлади. Лекин бу билан иш тинчимай, нафақат “Лайли ва Мажнун” спектакли, балки М.Ҳайдаров сахналаштирган бошқа спектакллар ҳам репертуардан олиб ташланади ва ижодкорнинг ўзи ҳибсга олиниб, бош режиссёрликдан бўшатилади. Олти-етти ой давомида “Ҳайдаров иши” текширувлардан ўтгандан сўнг унинг айбсиз эканлиги исботлангач, республика санъат ишлари бошқармаси тавсиясига биноан М.Ҳайдаров 1938 йилнинг 8 феввалида бош режиссёрлик вазифасига қайта тикланади. Бироқ бу маъмурий идораларга ёқмайди. Фарғона шаҳар шўросининг 1938 йил 17 март қарорига кўра ўзбек ва рус театрлари бирлаштирилиб, унга рус театрининг режиссёри Г.Д. Абдулов

бадий раҳбар этиб тайинланади. У ҳақда Ўзбекистон халқ артисти Яхёхон Маматхоновнинг хотираларида “Ҳайдаров ажойиб режиссёр эди”, деб келтирилган. Хотиралардан яна бирида: “Унинг спектакларида икки-учта рол ўйнаган актёр бутун бир мактабни ўтагандек бўлар эди. У ҳар бир образ моҳиятини туб-тубигача очишга интиларди. Спектаклни маромига шу даражада етказар эдики, биз бу ижрони сахнада гоҳо ушлаб туришимиз қийин кечарди”, – деб қайд этилади [15].

Саҳна санъатининг ғоявий қуролга айлантилганлиги “Томошабин театр ҳақида” деб номланган мақолада аниқ намоён бўлади. Бунда талаба Акбаров театр унга қандай таъсир этганлиги ҳақида тўхталган: “Театр менга жуда кўп нарса беради, мени ўқитиб, тарбиялайди. “Тарих тилга кирди” [16] пьесаси менда ҳушёрликни оширди, менга душманни кўрсатди ва уни бошқалардан фарқлашни ўргатди” [17].

Санъат ходимлари фаолларининг 1938 йил 2 июнда бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон СНК санъат ишлари бошқармаси фаолияти кескин танқид қилинади. Сўзга чиққан республика халқ актрисаси Сора Эшонтўраева Бошқармани Ҳамза театри актёрлари фаолиятига ёрдам бермаганликда айблаган. Санъаткор хатто Бутуниттифоқ санъат ишлари бошқармасининг театрда режиссурани кучайтириш борасидаги қароридан белгиланган вазифалар ҳам бажарилмасдан келинаётганига эътироз билдирган [18]. Шунингдек, Ўзбек мусикали театри директор муовини Павлов жамоанинг ўз биноси йўқлиги санъаткорларнинг ижодий салоҳиятини оширишга тўсик бўлаётганини қайд этган [19].

1920-1930 йилларда миллий саҳна асарларига бўлган таъйиқ кучайиб борди. Масалан, айрим мақолаларда “Фарҳод ва Ширин” пьесаси танқид қилиниб, унга нисбатан “театрнинг ривожига, омманинг тарбияси учун керак эмас” деган мазмундаги фикрлар билдирилди [20].

Саҳна санъатига нисбатан олиб борилган совет сиёсатида театр ғоявий қурол деб тан олинди. Ўзига берилган “мақом”ни оқлаши учун унинг фаолияти совет жамоатчилигининг тўлиқ назоратига олинди. Мусикали театр ҳам томошабинларни бадий кучга тўлдириб, улар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириши лозим эди. МХКнинг санъат ишлари бошқармасида 1938 йил 20 майда бўлиб ўтган йиғилишида санъат бошқармасининг фаолияти танқидга олинади. Йиғилиш баённомасидан маълум бўлишича, миллатпарвар зиёлилар томонидан яратилган ўзбек халқининг ижтимоий-маиший турмушини ўзида акс эттирган миллий руҳдаги асарлар миллатчилик асарлари сифатида баҳолашиб, уларнинг муаллифлари “халқ душмани” тамғаси билан

йўқ қилинган. Уларнинг ўрнига эса совет ғояларини ўзида тарғиб қилган 24 та, ўз даври таъбири билан айтганда “оригинал” пьесалар яратилгани маълум қилинган. Таъкидлаш жоизки, ҳукумат совет воқелигини очиб берувчи, мафкурага хизмат қилувчи асарларнигина “оригинал” пьесалар қаторига киритган, ўзбек зиёлилари томонидан яратилган асарлар эса танқидга учраган. Маърифатпарвар жадидлар қатағон қилиниб, уларнинг асарлари театр репертуарларидан ҳам олиб ташлангач, улар совет мафкурасига мос рус пьесаларининг таржимаси билан тўлдирилган. Ҳукумат ўз навбатида ана шундай асарларнинг салмоғини ошириш учун республика миқёсида мусикали ва драматургик асарлар танловини эълон қилган. Яратилган асарлар эса ҳукумат талабларига тўлиқ жавоб бермаганлиги боис қайта ишлашга берилган.

Йиғилишда, шунингдек: “Ўртоқлар, театр ва санъат ходимлари ҳақиқий болшевиктик ғоя тарғиботчилари бўлиши лозим... Бунинг учун эса доимий тарзда сиёсий-ғоявий салоҳиятни ошириш билан бирга инқилобий ҳушёрликни кўтариш керак” [21], – деб таъкидланган.

Театр соҳасидаги камчиликлардан яна бири – уларда ҳамиша ҳам янги спектакллар намойиш этилавермаган. Масалан, Ҳамза театрида ижодий гуруҳнинг 50 фоизидан кам саҳна ишларида банд бўлган. Халқ артисти Сора Эшонтўраева мавсум давомида бор-йўғи 2 та спектаклда рол ижро этган. Режиссёрлар 6 ой давомида биргина намойишни саҳналаштирганлар [22]. Саҳна санъатидаги бундай тартибсизликлар нафақат ўзбек санъаткорлари ижодида, балки рус актёрлари орасида ҳам кузатилган ва рол ижрочилари номутаносиб тарзда тақсимланган. Манбада келтирилишича, М.Горький театри актрисаси Ленинага бутун мавсум давомида деярли рол топширилмаган, ўз навбатида, Шестаков номли актёрга эса ҳаддан зиёд кўп рол юклатилган.

Расмий ҳужжатларда соҳадаги камчиликларга “халқ душманлари” асосий сабабчи этиб кўрсатилган ва улар “совет санъати ривожига тўсқинлик қилишда” айбланганлар. Санъат ишлари бошқармаси эса фақатгина молия муассасаси вазифасини бажарувчи, театрларнинг хўжалик ишлари билан шуғулланувчи ташкилот сифатида намоён бўлганлиги танқид қилинган.

Актёрлар ўз фаолияти давомида ижро этган ролларнинг сонидан ҳам кўпроқ қайси йўналишдаги асарлар намойиш этилганлигини билиш мумкин. Ш.Бурҳонов ижоди ўрганилганда, унинг ижро этган роллари 50 дан ортиқ бўлиб, шундан 40 таси совет замондошлари образлари эканлиги маълум бўлади. Бу эса давр муҳити ва воқелигини ёритувчи асарларни саҳналаштиришга катта эътибор берилганлигидан далолат беради [23].

Хукумат ва партия таъсири сахна санъатининг барча йўналишларида акс этган. Ҳаттоки болалар театри ҳам ҳукумат сиёсатининг таъсир доирасида бўлган. Болалар театри кизиқарли, ёрқин, халқнинг қахрамонлиги, фидокорлиги, жасорати, Сталин даври инсонлари, ҳатто болаларнинг ўз ҳаётига оид масалаларга эътибор бермаётганликда айбланган. Шу билан бирга, болалар театри ҳам моддий жиҳатдан етарли даражада таъминламаган. Ўша вақтда ўзбек болалар театри Самарқанддаги мадраса биносидан, рус болалар театри арман черковининг ҳовлисида фаолиятини олиб борган [24]. Шунингдек, мусиқа мактабларидаги аҳвол ҳам ачинарли ҳолатда бўлган. Ўқувчи болаларнинг киши кийимлари мавжуд бўлмаганлиги боис улар дарсларга қатнай олмаганлар, бу эса ўз навбатида таълим соҳасида узилишларга олиб келганлиги кўплаб манбаларда қайд этилган [25].

Театр намоишлари, уларнинг репертуарлари, томошаларга чипта сотиш ишлари Ўзбекистон ССР санъат ишлари бошқармаси томонидан тартибга солинган ва назорат қилинган. Бошқарманинг 1939 йил 3 февралдаги 21-буйруғига кўра, Ҳамза номидаги ўзбек академик театри, Горький номидаги рус драма театри, ўзбек мусикали театри, опера, республика болалар ўзбек ва рус театрлари, мусикали комедия, республика колхоз театрлари намоишлари кунини эълон қилиш ва чипталар сотуви фақатгина главреспертком, театр бўлими ёки вилоят санъат бўлимлари вакилларининг кўруви ва руҳсатидан сўнггина амалга оширилиши лозим бўлган [26].

Совет ҳукуматининг қатағон сиёсатида Маннон Уйғурнинг ўзига ҳам ҳужум бошланиб

унинг уйида бир неча бор уйида тинтув ўтказилган. Театр директори Зиё Саид ҳам “халқ душмани” бўлиб қамалди. Актриса Маъсума Қориева турмуш ўртоғи Босит Қориев қамалгач, М.Уйғурга яширинишни таклиф этган. Шунда у, ўлсам театрда ўлай, деб уйдан театрға келиб, шу ерда ётиб юрган. Аммо аллақачон уни қидиришга тушишган эди. М.Уйғурни қутқариш мақсадида қайниси, ўша замон рақс санъати усталаридан бири Али Ардобус уни қочишга зўрға кўндирган ва Қозоғистон чўллари орқали Волга бўйига олиб кетишга муваффақ бўлган. М.Уйғур 13 ой давомида ўз шаҳридан, театрдан, оиласидан узокда яшади. Шу давр ичида унинг оиласи, ака-укалари, ҳатто Андижонда турадиган опасига ҳам тинчлик берилмаган. Ниҳоят ўша вақтдаги давлат раҳбари Усмон Юсупов унинг олдиға Али Ардобусни юбориб, қайтариб олиб келишга муваффақ бўлган [27].

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, ўрганилаётган даврда маданият-санъат соҳаси ҳам бошқа йўналишлар каби совет ҳукуматининг қатъий назоратига олинган эди. Ўз навбатида соҳа вакилларининг хизматлари етарли қадрланмади. Уларнинг ўз она ватани ривожига қўшаётган ҳиссаси ҳукумат наздида хоинлик деб қаралди ва улар қатағон қилинди. Хусусан совет ҳокимияти йиллари тадқиқотларида 30-йиллар сахна санъати ривожига ютуқ ва муваффақиятларга эришилган давр деб қаралса-да, аслида “эришилган натижалар” ортида улкан йўқотишлар – Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ғулом Зафарий ва бошқалар “халқ душмани” этиб қатл этилиши, асарларининг репертуарлардан олиб ташланиши, китобларининг йўқ қилиниши ҳам шу даврга тўғри келади.

АДАБИЁТЛАР

1. Мустафаева Н. XX асрда Ўзбекистон маданият ва тафаккур. Тарихшунослик таҳлили. – Тошкент, 2017. – 135 б.
2. ЎзМА Р-2062-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 44-варақ.
3. ЎзМА Р-2062-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 44-варақ.
4. ЎзМА Р-837-фонд, 14-рўйхат, 74-ийғмажилд, 165-варақ.
5. ЎзМА Р-837-фонд, 14-рўйхат, 74-ийғмажилд, 165-варақнинг орқа тарафи.
6. РДАСА. 962-фонд, 22-рўйхат, 7-ийғмажилд, 23-варақ.
7. Авдеева Л. Танцевальное искусство Узбекистана. – Ташкент, 1960. – С. 59.
8. Икрамов А. Избранные труды в трех томах. Т.2. – Ташкент. 1973. – С. 528
9. Санъатшунослик илмий тадқиқот институти архиви. Т(М), М-90, 557-иш. 67-варақ.
10. Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти архиви. Т(М), М-90, 557-иш. 66-варақ.
11. ЎзМА. Р-2062-фонд, 1-рўйхат, 12-иш, 15-варақ.
12. Боту - ўша пайтдаги Ўзбекистон Маориф Халқ Комиссари ўринбосари.
13. // Правда Востока, 1934 год 12 апреля.
14. Турсунбоев С. Ўзбек театри сарҳадлари. – Тошкент, 2010. – 236 б.
15. Турсунбоев С. Ўзбек театри сарҳадлари. – Тошкент. 2010. – 277-278-бб.
16. Тарих тилга кирди – Назир Сафаров ва Зиё Саид ҳаммуалифлигида ёзилган драма. Пьеса 1931 йили намоиш этилган. (Босмачиликка қарши кураш акс этган).
17. // Правда Востока, 1935 год 5 марта.
18. // Правда Востока, 1938 год 2 июня.
19. // Правда Востока, 1938 год 2 июня.
20. // Қизил Ўзбекистон, 1929 йил 16 июн.
21. РДАСА. 962-фонд, 3-рўйхат, 458-ийғмажилд. 18-варақ.
22. РДАСА. 962-фонд, 3-рўйхат, 458-ийғмажилд. 8-варақ.
23. Олидор О. Шукур Бурханов. – М., 1952. – С. 3.
24. РДАСА. 962-фонд, 3-рўйхат, 458-ийғмажилд. 10-варақ.
25. РДАСА. 962-фонд, 3-рўйхат, 458-ийғмажилд. 29-варақ.

26. ЎзМА. Р-2087-фонд, 1-рўйхат, 33-йиғмажилд,
27. 28-29-варақлар.

27. Муҳаммаджонов З. Улуғлар орасида:
Хотиралар. – 30 б.

Ўзбек миллий санъатининг XX асрнинг 30 йилларидаги аҳволи
Назарова С.

Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос илмий-тадқиқот институти, Тошкент

Мақолада XX асрнинг 30-йилларидаги ўзбек миллий санъатидаги рўй берган ўзгаришлар, совет ҳукумати Ўзбекистон ССРда олиб борган мафкуравий сиёсатининг санъат асарларида акс этиши, улардан тарғибот қуроли сифатида фойдаланилганлиги ёритилади. Шунингдек, ўрганилаётган даврда маданият – санъат соҳаси ҳам бошқа йўналишлар каби совет ҳукуматининг қатъий назоратига олиниб, соҳа вакилларининг хизматлари етарли қадрланмади. Уларнинг ўз она ватани ривожига қўшаётган ҳиссаси ҳукумат наздида хоинлик деб қаралиб ва улар қатағон қилиниши архив ҳужжатлари, матбуот материаллари ва хотираларда асосида ўрганилган.

Состояние узбекского национального искусства в 30-е годы XX века
Назарова С.

Научно-исследовательский институт культурологии и нематериального культурного наследия, Ташкент

В статье описаны изменения, произошедшие в узбекском национальном искусстве в 30-е годы XX века, отражение идеологической политики советской власти в Узбекской ССР в произведениях искусства, а также то, что они использовались в качестве пропагандистских инструментов. Также в исследуемый период сфера культуры и искусства, как и другие сферы, находилась под жёстким контролем советского правительства, а заслуги представителей сферы не оценивались. Их вклад в развитие Родины был расценен правительством как предательство, а сами они объявлены врагами народа.

The State of Uzbek National art in the 30s of the 20th century
Nazarova S.

Institute for Cultural Research and Intangible Cultural Heritage, Tashkent

The article describes the changes that took place in Uzbek national art in the 30s of the 20th century, the reflection of the ideological policy of the Soviet government in the Uzbek SSR in the works of art, and the fact that they were used as propaganda tools. Also, during the period under study, the culture-art sphere, like other areas, was under the strict control of the Soviet government, and the services of the representatives of the sphere were not appreciated enough. Their contribution to the development of their motherland was considered treasonous by the government, and their repression was explored in archival documents, press materials, and memoirs.

УДК 9(47)(09).904

“АВЕСТО” – МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ҚАДИМГИ ХАЛҚЛАРИ
ХАРБИЙ ИШИ ТАРИХИГА ОИД МАНБА СИФАТИДА

Адилов Ж.Х.

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази,
Тошкент шаҳри*

Марказий Осие ҳудудида яшаган халқларнинг харбий маҳоратининг шаклланиши, қурол-ярроғларнинг пайдо бўлиши чуқур тарихий илдизларга эга бўлиб, қадим даврларга бориб тақалади. Бу жараёни қандай кечганлигини археологик ва ёзма манбалар асосида қўриб чиқиш мумкин. Бундай ёзма манбаларнинг дастлабкиси “Авесто” ҳисобланади.

“Авесто” қадимги тарихимиз тўғрисида кенг ва бой маълумот берадиган манба бўлиб, зардуштийлик динининг муқаддас китоби, шу диндаги халқларнинг қонунлари мажмуидир. Бизгача этиб келган “Авесто” қисмлари сосонийлар даврида, милоднинг III-VII асрларида тахрир қилинган. “Авесто” тили шарқий эроний тилларнинг энг қадимги шеваларидан бири бўлиб, мутахассислар фикрига қўра, қадимги форс тилида тахминан мил. авв. II минг йилликнинг охирилари – I минг йилликнинг бошларида пайдо бўлган [6, 63-64].

“Авесто” зардуштийликнинг муқаддас

китоби бўлибгина қолмай, у Марказий Осие тарихи, маданиятини, ўзига хос сиёсий тузумини ўрганиш учун қатта аҳамиятга эгадир. “Авесто” шунингдек, минтақадаги энг қадимий қабилалар ва элатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ўрганишда қўл келади. Хусусан, Марказий Осиеда харбий иш тарихини ўрганишда “Авесто”нинг аҳамияти ҳақида Б.А. Литвинский, И.В. Пьянков [5, 36-52] ва М.И. Филановичлар [8, 9] ўз тадқиқотларида бир қатор фикрларни билдириб ўтишган. Хусусан, Б.А. Литвинский ва И.В. Пьянковларнинг мақоласида Марказий Осие қуроллари мажмуаси “Авесто”да тасвирланган қуролларга жуда яқин эканлиги ва шунинг учун улар ўз тадқиқотларида “Авесто”дан муҳим манба сифатида фойдаланишини таъкидлаб ўтишади [5, 36-52].

М.И. Филанович эса, “Авесто”нинг Меҳр Яшт қисмида Митра худосига бағишланган мадҳияда харбий жасорат, ўз сўзи ва қасамига содиқ бўлган жангчи барча учун ўрнак қилиб тасвирланиши ўша пайтда харбийларга

кўйилган талабларни ҳамда уларга нисбатан муносабатни намоён этиш билан бирга, бу даврга келиб жангда отдан фойдалана бошлаганларидан далолат бериши ҳақида маълумот беради [8, 9]. Муаллиф ўз фикрини давом этиб, бу ҳикояларда милоддан аввалги II минг йилликнинг охири – I минг йилликнинг бошидаги воқеликлар акс этганлигини таъкидлайди [8, 9]. Келтирилган фикрларни кенгроқ таҳлил қилиш мақсадида бевосита манбага мурожат қилиш ва ундаги маълумотларни таҳлил қилиш фикримизча мақсадга мувофиқдир.

Бу мақсадда биз “Авесто”нинг ўзбек тилидаги таржималаридан (асосан М.Исҳоқовнинг таржимаси [3], баъзи ҳолларда аниқлик киритиш учун А.Маҳкамнинг таржимасидан [2]) фойдаландик. Шунингдек, таҳлил учун “Авесто”нинг И.М. Стеблин-Каменский қаламига мансуб рус тилидаги таржимасидан [1] ҳам фойдаланилди. М.И. Филанович таъкидлаганидек, “Авесто”нинг Меҳр Яшт, яъни, Митра илоҳига бағишланган алқовлар қисмида ҳарбийлар, ҳарбий иш ва қуроолларга оид маълумотлар учрайди.

Меҳр Яштнинг учинчи бўлимида куйидаги маълумотлар келтирилади:

*“11. Ёлборурлар сарбозлар унга
Бағрин бериб отнинг ёлига,
Соғлик сўраб ўзига ундан,
Қувват тилаб оту уловга.
Қўрмоқликнинг эвин сўрарлар.
Узоқ ердан кўз солиб ёвга,
Бир зарб ила барча душманни,
Барча нодўст, барча ёғийни
Тилар мағлуб этмакни бир йўла
Топинчим бахт учундир...”* [3, 49].

Бу ерда биз Митра илоҳидан жангчилар учун керакли бўлган шахсий фазилатларни сўралишини кузатишимиз мумкин. Бунда соғлик, душмани узоқдан кўра билиш ва бир зарб билан мағлуб этиш қобилиятини сўраш ҳақидаги маълумотлар бизга ўша даврда жангчилар учун керак бўлган ҳислатлар қандай бўлганлиги билиш имконин беради. Қолаверса, бу ерда жангчиларни отлардан фойдаланиш уларга ҳам қувват сўраши ҳам келтирилган бўлиб, бу билан “Авесто” яратилган даврда ҳарбий ҳаракатларда отлик аскарларнинг аҳамияти катта бўлганидан далолат беради.

Шунингдек, Меҳр Яштнинг турли бўлимларида қурооллардан фойдаланиш ва унда Митранинг ёрдами ҳақида алқовлар келтирилган бўлиб, шу орқали ўша даврда минтақада қандай қурооллардан фойдаланилганини кузатишимиз мумкин. Мисол учун, Меҳр Яштнинг олтинчи бўлимида “*учқур найза*” [3, 51], саккизинчи бўлимида “*бургут пати қадалган ўқлари, камонлар, сопқонидан учган тош*”, “*тиглар, болта*” [3,

53] каби қурооллардан фойдаланиш билан боғлиқ вазиятлар тасвирланган. Бу орқали биз ушбу манба ёзилган даврдаги ҳарбий тўқнашувларда фойдаланилган қуроолларнинг турлари ҳақида маълумот олишимиз мумкин.

Қуроолларнинг қандай ҳом-ашёдан ясалганлиги ҳақида ҳам “Авесто”да маълумот бериб ўтилган бўлиб, Меҳр Яштнинг 24 бўлимида:

*“96. Қўлда юз тигли болта –
Юз зарбли асбоб тутган
Ёвни тубан йиққувчи.
Сариқ маъдандан қуйиб,
Олтин сувда сўзрган
Қўдратли ул қуроолдир,
Қуроолдир ул музаффар”* [3, 62].

Бу ерда келтирилган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак аввало, ушбу сатрларни таржима қилган М.Исҳоқовнинг “жанг болтаси юз тигли, юз зарбли сифатлари муболага шакли деб қаралмоғи керак. Жанг болтаси намуналари бронза асри Ўрта Осиё ёдгорликларида кўп учрайди” [3, 62] деган фикрга қўшилиш лозим. Шунингдек, бу ерда болтани қандай металлдан ясалганлиги ҳақида ҳам маълумот келтирилган бўлиб, “*сариқ маъдан*” дейилганда жез назарда тутилган. Шунингдек, болтага олтин кенг билан безак ҳам берилганлиги келтирилган.

Меҳр Яштнинг 28 бўлимида эса куйидаги маълумотлар келтирилади:

*“112. Митрага топинурмиз...
Кумуш найза қўлида,
Олтин совут эғнида.
Қамчила-ҳайдаб борар
Язриндор улуг сарбоз.
Митрага сизинувчи
Юртларга келган чокда
Кенг водийларни эҳсон
Қилар ййловлар учун.
Унда пода ва одам
Ййраб яшайди ҳар дам”* [3, 64].

Ушбу сатрларни таҳлил қиладиган бўлсак, ўша даврда минтақа аҳолисига камида кумушдан ишланган найза ва олтин совутнинг мавжудлиги маълум бўлган. Катта эҳтимол билан ушбу қурол ва анжомлар жангларда олий табақали ҳарбийлар томонидан ишлатилан.

Меҳр Яштнинг 31 бўлимида ҳам ҳарбий соҳага оид кенг маълумотлар келтирилган:

*“129. Митра аробасида,
Ййлови кенг ул зотнинг
Олтин пойнак минг ўқ бор.
Сара ўқ, пат бошоқли
Ваҳший қуш қанотидан,
Шоҳдан икки найзали,
(Пати илмоқ санчқили).
Илоҳийвор учғувчи,
Илоҳийвор теккувчи
Девлар Манфур бошига
Минг найза-санчқи бордир,*

130. Митра аробасида
 Яйлови кенг ул зотнинг
 Сара, ўткир учдордир.
 Илоҳийвор учғувчи,
 Илоҳийвор теккувчи
 Девлар Манфур бошига.
 Митра аробасида
 Яйлови кенг ул зотнинг
 Минг болта-чўқмори бор
 Энг яхши маъданлардан
 Қўш тигли ва ўткир, ихчам
 Илоҳийвор ўчғувчи,
 Илоҳийвор теккувчи
 Девлар манфур бошига.
 131. Митра аробасида
 Яйлови кенг ул зотнинг
 Минг пичоқ бор – дудама
 Икки томони тигли.
 Илоҳийвор учғувчи,
 Илоҳийвор теккувчи
 Девлар манфур бошига.
 Митра аробасида
 Яйлови кенг ул зотнинг
 Бордир мингта
 Сара маъдан, темирдан
 Илоҳийвор учғувчи,
 Илоҳийвор теккувчи.
 Девлар манфур бошига
 132. Митра аробасида
 Яйлови кенг ул зотнинг
 Унинг ажиб болтаси
 Қулочлаб солмоққа ўнг,
 Юз кескир юз зарбли, чўнг

Йиққич ёвни юз тубан,
 Сариқ маъдандан қуйма
 Усти тоза олтиндан.
 Қудратли қуролдир бу,
 Ёвга солар у қутқу.
 Ва зафарнок қурол бу –
 Илоҳийвор учғувчи,
 Илоҳийвор теккувчи
 Девлар манфур бошига” [3, 67-68].

Бу ерда биз ўша даврда ҳарбий ҳаракатларда жанг арваларидан фойдаланганлик ва бу қандай усулда амалга оширилганлиги ҳақида маълумот оламиз. Кейинги сатрларда келтирилган *пат бошоқли сара ўқ* бу қадимги дунё ҳарбий ишида машҳур бўлган скиф ёки Марказий Осиё мураккаб тузулишли камони ҳақида келтирилган маълумот бўлиши мумкин [Батафсил қаранг: 4, 51-69; 7, 71-74]. Шунингдек, “Авесто”нинг ушбу қисмида *найза-санчқи, болта-чўқмори, дудама – икки томони тигли пичоқ* (ҳанжар) ва *болтадан* қуроллар ва улардан фойдаланиш жараёнлари келтирилган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб “Авесто” қадимги Марказий Осиё ҳарбий иши тарихига оид муҳим манба эканлигини таъкидлаш мумкин. Унда келтирилган маълумотларни танқидий таҳлил қилиш, археологик топилмалар билан солиштириш ва бу изланишларни фанлараро ёндашув нуқтаи назаридан амалга ошириш лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Авеста. Избранные гимны. Из Видевдата / Перевод с авестийского И. Стеблин-Каменского. – М.: Дружба народов, 1993. 208 с.
2. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. 384 б.
3. Авесто: Яшт китоби. / М. Исҳоқов таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. 128 б.
4. Литвинский Б.А. Сложносоставной лук в древней Средней Азии // Советская археология. 1966. №4. С. 51-69.
5. Литвинский Б.А., Пьянков И.В. Военное дело у народов Средней Азии в VI-IV вв. до н.э. // Вестник древней истории. 1966. –№3. –С. 36-52.
6. Manbashunoslik. Darslik. – Toshkent, 2019. 480 b.
7. Radjabov R. Qadimgi sharq harbiy san’ati.– Toshkent: Yangi asr avlodi, 2018. 136 b.
8. Филанович М.И. Қурол-яроғларнинг ихтиро қилиниши ва ҳарбий маҳоратнинг шаклланиши // Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. – Тошкент: Шарқ, 2012. 6-29-бб.

“Авесто” – Марказий Осиёнинг қадимги халқлари ҳарбий иш тарихига оид манба сифатида
 Адиллов Ж.Х.

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Milliy arxeologiya markazi, Toshkent

Мақола қадимги Марказий Осиё халқлари ҳарбий иш тарихини “Авестода” ёртилишига бағишланган. Унда “Авесто”нинг қадимги давр тарихи бўйича манбавий аҳамияти кўрсатилган. Ушбу манбанинг қадимги Марказий Осиё ҳарбий иш тарихи учун аҳамияти аввалги тадқиқолар таҳлили асосида очиб берилган. Манбада турли қуроллар ва улардан фойдаланиш усуллари ёритилиши тадқиқ этилган. Тадқиқот “Авесто”нинг бир неча таржимасининг қиёсий таҳлил асосида амалга оширилди.

«Авеста» как источник по истории военного дела древних народов Центральной Азии
 Адиллов Ж.Х.

Национальный центр археологии Академии наук Республики Узбекистан, Ташкент

Статья посвящена отражению в «Авесте» истории военного дела древнейшего населения народов Центральной Азии. Особое внимание уделено «Авесте» как источнику по истории древнего периода. Значение «Авесты» для истории военного дела Центральной Азии раскрыто на основе анализа предыдущих исследований. В статье исследовано освещение различных видов оружия и способов их использования. Исследование проводилось на основе сравнительного анализа нескольких переводов «Авесты».

Avesta – as a source on the history of military affairs of ancient peoples of the Central Asia

The article is devoted to the reflection in the "Avesta" of the history of military affairs of the most ancient population of the peoples of Central Asia. Particular attention is paid to the "Avesta" as a source on the history of the ancient period. The significance of the "Avesta" for the history of military affairs of Central Asia is revealed based on the analysis of previous studies. The article examines the coverage of various types of weapons and methods of their use. The study was conducted based on a comparative analysis of several translations of the "Avesta".

ПРОМЫШЛЕННОСТЬ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН (1990-2000 гг.)

Ктайбеков А.М.

Нукусский государственный педагогический институт им. Ажунияза

Актуальность статьи заключается в анализе экономических реформ и структурных изменений, произошедших в Узбекистане и Каракалпакстане в период независимости. В ней освещаются ключевые аспекты:

- переход к рыночной экономике: важность адаптации регионов к новым условиям после распада СССР, что помогает лучше понять экономическую историю постсоветских стран;
- развитие промышленности: анализ создания эффективного промышленного сектора, что является актуальным для стран, стремящихся к экономическому росту;
- иностранные инвестиции: привлечение зарубежного капитала и роль внешнеэкономической политики остаются важными для современных экономик;
- региональное развитие: роль Каракалпакстана в национальной экономике и необходимость его интеграции в национальные и глобальные процессы.

Хронологические рамки статьи охватывают период с середины 1990-х до 2000 года, когда Узбекистан и Каракалпакстан перешли к рыночной экономике. В середине 1990-х шли реформы и диверсификация экономики, которые привели к структурным изменениям в промышленности, а к концу 1990-х завершились ключевые проекты, увеличилась доля негосударственного сектора и усилилась международная интеграция. Этот период важен для анализа экономического становления региона.

За годы независимости Узбекистан и вместе с ним Каракалпакстан путём крупномасштабных реформ достигли значительного прогресса в области экономической стабилизации и проведения реформ по переходу на рыночный механизм хозяйствования. Преодоление характера экономики, основанной на вывозе сырья и наследованных от периода Советского Союза плановых принципов ведёт к положительным результатам в развитии национальной экономики.

В решении этих задач приоритетным направлением является создание высокоэффективной промышленности. Опыт передовых

стран убедительно доказывает, что нельзя прорваться вперёд, занять достойное место в мировом хозяйстве без развития промышленности на высоком уровне. Поэтому в настоящее время в общественном сознании все более утверждается понимание, что промышленный сектор экономики представляет ключевой фактор национального возрождения, успешного продвижения республики по пути исторического прогресса.

Обретение независимости объективно открыло перед народом Узбекистана широкие перспективы для экономического и социального прогресса, культурного и духовного обновления. Реально оценивая сложившуюся в 90-е годы XX века в республике ситуацию, можно констатировать, что она вступила в качественно новый этап своего государственно-политического и экономического строительства. Были осуществлены реформы, связанные с переходом на рыночные отношения. В народном хозяйстве проводились структурные перемены, соответствующие требованиям рыночных отношений.

В годы независимости в корне изменилась экономическая политика и в Каракалпакстане. В 1993 году на XIII сессии Верховного Совета Республики Каракалпакстан была принята Концепция программы республики по преодолению однобокой сырьевой направленности экономики и обеспечения выпуска готовой продукции на базе организации углублённой переработки имеющихся минеральных сырьевых ресурсов и сельскохозяйственного сырья [1]. Тем самым начали создаваться определённые предпосылки для развития в республике ввоза замещающих продуктов. Вместе с тем надо, однако, признать, что ограниченность материальных и финансовых ресурсов не позволила полностью реализовать в первой половине 90-х годов все меры, намеченные в упомянутой программе.

В контексте реализации поставленных задач во II половине 90-х годов XX века в Каракалпакстане произошли определённые структурные изменения. Материалы исследования по-

казывают, что они в основном затронули такие отрасли, как топливная и пищевая промышленность. Так, в 1996 году в структуре промышленности произошли положительные изменения. В экономике республики появилась новая отрасль – топливная промышленность. Кунградским газопромысловым предприятием «Урга» начата добыча промышленной продукции газового конденсата и природного газа. В последующие годы шло обустройство газового месторождения «Урга» в Кунградском районе, где, например, в 2000 году было сдано в эксплуатацию 4 скважины [2].

